

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ  
ТРАНСПОРТ - ТРАНЗИТ ВА АГРОЛОГИСТИКА ИМКОНИАТЛАРИ.  
ТРАНСПОРТНО-ТРАНЗИТНЫЙ И АГРОЛОГИСТИЧЕСКИЕ  
ВОЗМОЖНОСТИ СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ  
УЗБЕКИСТАНА.**

**TRANSPORT - TRANSIT AND AGROLOGISTICS OPPORTUNITIES OF  
SURKHANDARYA REGION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.**

**Назаров М.И**

ЎЗМУ Иқтисодий ва ижтимоий кафедраси доценти

**Омонтурдиев А.М.**

ЎЗМУ Иқтисодий ва ижтимоий кафедраси таянч докторанти

**Расулжонов А.**

ЎЗМУ Иқтисодий ва ижтимоий кафедраси талабаси

***Аннотация.** Ушбу мақолада Сурхондарё вилоятининг транспорт-транзит салоҳияти, ҳамда логистика, жумладан агрологистика имкониятлари ва уларни ҳудудий ташиқ этишининг транспорт географик хусусиятлари ўрганилган. Шунингдек, автомагистрал ва темир йўл станциялари яқинида логистикани йўлга қўйиш, ҳамда транзит йўллари барпо этиш масалаларига эътибор қаратилган.*

***Аннотация.** В данной статье изучен транспортно-транзитный потенциал Сурхандарьинской области, а также логистические, в том числе агрологистические возможности, и транспортно-географические особенности их территориальной организации. Также уделяется внимание вопросам налаживания логистики вблизи автомобильных и железнодорожных вокзалов, а также строительства транзитных дорог.*

***Abstract.** In this state, the transport and transit potential of the Surkhandarin region, as well as logistic and agrologistic opportunities, and transport and geographic features and territorial organization are also present. Also, attention is paid to issues of establishing logistics near highway and railway stations, as well as construction of transit roads.*

***Калим сўзлар:** Транспорт, транзит, логистика, агрологистика, қишлоқ хўжалиги, автомагистрал, темир йўл.*

***Ключевые слова:** Транспорт, транзит, логистика, агрологистика, сельское хозяйство, автомобильные дороги, железные дороги.*

*Key words: Transport, transit, logistics, agro-logistics, agriculture, highway, railway.*

**Кириш:**

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг 36-мақсадида: барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, “йирик шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт қатновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини яратиш. Ҳамда транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш, темир йўл инфратузилмасини электрлаштириш даражасини 60 фоизга етказиш ва автомобил йўллари

тармоғини жадал ривожлантириш. Транспорт соҳасида ташқи савдо учун “яшил коридорлар” ҳамда транзит имкониятларини кенгайтириш ва транзит юк ҳажмини 15 миллион тоннага етказиш” масалалари ўз аксини топган [1].

Шунингдек, Жаҳон Банки тадқиқотларига кўра, мамлакатларда логистиканинг ривожланиш даражаси унинг савдо жадаллиги, экспорт диверсификацияси, халқаро инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш қобилияти билан боғлиқ бўлиб, агар қайси мамлакатда савдо логистикасида логистика ва транзит ривожланса яхлит иқтисодий ўсиш кузатилади ва мамлакат ўсиши фаровонлашади[4].

Жумладан, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ичида марказий транспорт географик ўрнига кўра катта транспорт транзит салоҳиятига эга. Бу борада хорижнинг етук нашрларида ҳам таъкидланган. Бинобарин, Форбес журналисти Melik Kaylan Ўзбекистон шарқ ва ғарб, шимол ва жанубни боғловчи йирик транспорт марказига айланиши мумкин дейди[20].

### **Адабиётлар таҳлили ва қўлланилган методлар**

Худудларнинг транспорт иқтисодий, транспорт инфратузилма салоҳияти ва уларнинг худудий тизимларини шаклланиши ва ривожланиши масалалари турли соҳа олимлари томонидан тадқиқ қилиб келинади. Бу борада хориж олимларидан: Jean-Paul Rodrigue (2006, 2020) [1], Joe Grengs [2], МДХ олимларидан: И.В. Никольский (1978) [13], В.Н. Бугроменко (1987) [5], С.А. Тархов, (2002) [12] кабиларнинг ишларини айтиб ўтиш лозим. Улардан, Jean-Paul Rodrigue тадқиқотларида транспортни тадқиқ этишнинг математик статистик усуллари катта эътибор қаратилган бўлса, худуднинг транспорт қулайлигини математик усулда аниқлашга доир изланишларни В.Н. Бугроменконинг ишларида ҳам кўриш мумкин [5].

Марказий Осиё транспорти тизимини самарали бошқариш масалаларини А. Зоҳидов (2018) [15], Ўзбекистон Республикаси худудини автомобиллар ҳаракат шароити бўйича районлаштириш А. Қўзиев (2010) [11] тадқиқ этган бўлса, А.А. Исаев Фарғона минтақаси худудий транспорт тизимларининг ривожланишини (2009)[7], З.Усмонов эса мустақиллик шароитида Ўзбекистон транспорт тизимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг географик жиҳатларини тадқиқ қилган (2020).

Аmmo, шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки мавжуд транспорт географик тадқиқотларда бевосита логистика ва транзит инфратузилма салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш ишларига эътибор камроқ қаратилган.

Логистика масалалари бўйича хорижлик тадқиқотчиларнинг изланишлари алоҳида ўрин тутди. Жумладан, логистиканинг назарий

жихатлари Д. Бауэрсокс, М. Клосс Дейвид (2005) [6], Линдерс Д. Майкл Р. (2002) [8] ва бошқалар ишларида аграр логистика тадқиқотлари акс этган.

Бинобарин, Д. Бауэрсоксининг фикрича, логистика инфратузилмаси ишлаб чиқариш объектлари, ахборот воситалари, транспорт компаниялари ва уларнинг имкониятлари, омборхоналар, юкларни ташиш, қадоқлаш, инвентаризацияни бошқариш, юкларни юклаш ва тушириш терминаллари ва чакана дўконларга тегишлидир. Муаллифнинг фикрича, логистика инфратузилмасини ташкил этишда маълум географик ўрнига эга бўлган объектлар (омбор комплекслари) сонини аниқлаш ва ҳар бир жойда сақланувчи маҳсулот захираларини ҳисоблаш керак[6].

### Асосий қисм

“Логистика” сўзи (грекчада “Logistike – ҳисоблаш, фикр қилиш маҳорати” маъносини англатади) Рим империяси даврида озиқ-овқат маҳсулотларни тақсимлаш билан шуғулланувчи махсус “логистлар” ёки “логистика” хизматчилари вужудга келган вақтдан қўлланила бошлаган [4].

Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида қонуни”да транспорт логистикаси ва транспорт-логистика маркази кабиларга тўхталиб ўтилган. Жумладан **транспорт логистикаси** — йўловчилар, багаж, юк багажи, юклар, почта ва курьерлик жўнатмаларининг олиб ўтилиши ва ташилишини ташкил қилиш билан боғлиқ вазифаларнинг комплекс ва ўзаро боғлиқ ҳал этилиши кабилар.

Мазкур қонунда шунингдек, **Транспорт-логистика маркази** эса транспорт инфратузилмаси объекти, у ташиш билан турдош бўлган тайёргарлик ва тақсимлаш хизматларини, шу жумладан юкларни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва тарқатиш хизматларини ҳамда юк ва транспорт воситалари билан бошқа операцияларни бажариш учун мўлжалланган иншоотлар жойлашган махсус ажратилган майдонни ўз ичига олади.

Логистика – янги юқори самарали илмий-амалий йўналиш ҳисобланиб, кўп тармоқли функционал тавсифга эга. Булар орасидан агрологистика нисбатан истиқболли ҳисобланиб, агробизнес соҳасида логистика назарияси ва амалиётининг қўлланилишини кўзда тутди. Маълумки, аграр тармоқ – ишлаб чиқариш (қишлоқ хўжалиги), қайта ишлаш (озиқ-овқат саноати), истеъмол (савдо) йўналишларини қамраб олади [4].

Бундан ташқари қонуннинг 4 моддасида транзит транспорт йўлагига таъриф қўйидагича: **транзит транспорт йўлаги** – транспорт воситаларининг ҳаракатланиш йўналиши бўлиб, унда транзит юкларни ташишни амалга ошириш учун транзит транспорт йўлагининг паспортида кўрсатилган техник,

технологик ва ташкилий шарт-шароитлар яратилади ҳамда бундай юклар ва транспорт воситаларига нисбатан божхона операцияларини бажаришнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилади.

Транзит деб (лот. transitus — ўтиш жойи) — йўловчи ва юкларни бир пунктдан бошқасига оралиқ пунктлар орқали ташиш тушунилади[1].

Транзит - қитъалар ва мамлакатларнинг иқтисодий интеграция омилидир. Дунё мамлакатларининг ривожланиш истиқболларида уларнинг географик ўрни ҳам катта аҳамиятга эга. Жаҳонда денгизга тўғридан тўғри чиқиш имкониятига эга бўлмаган 40 дан ортиқ давлатлар мавжуд бўлиб уларнинг савдо алоқалари олиб борилиши кўп жиҳатдан транзит салоҳиятига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси ҳам шулар жумласидандир.

Шу ўринда ишлаб чиқарилган маҳсулотни истеъмолчига сифатли етказиб беришни таъминлаш ҳамда товарлар оқимини самарадорлигини ташкиллаштиришда халқаро транзит йўллариининг аҳамияти ортиб бормоқда.

Бугунги кунда транзит хизматларининг ривожланиши нафақат мамлакатлар транспорт-географик жойлашуви, ташқи савдо алоқаларининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки замонавий транспорт-транзит ҳамда логистика технологияларини жорий этиш суръати билан ҳам белгиланади.

Логистика ва сақлаш тизимининг яхши ташкил этилмаганлиги Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли 40% и йўқолишига сабаб бўлмоқда [18], дейди соҳа мутахассислари Россия-Қозоғистон минтақалараро ҳамкорлик форумида.

Мамлакатимизда йилига ўртача 16 миллион тоннадан ортиқ мевасабзавот, полиз ва дуккакли маҳсулотлар, 1,5 миллион тоннага яқин гўшт, 10 миллион тоннага яқин сут ишлаб чиқарилса-да, уларни саноат усулида қайта ишлаш даражаси ўртача 15-20 фоизни ташкил қилмоқда. Агрологистика тизими яхши ривожланмаган, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва саралаш хизматлари талаб даражасида эмаслиги ҳосилнинг қарийб 30 фоизи исроф бўлишига олиб келмоқда. Етиштирилган маҳсулотларни халқаро стандартларга мос лаборатория текширувидан ўтказишда ҳам муаммолар кўзга ташланади [22],

Шунингдек маълумотларга кўра, мамлакатимизда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларининг бор-йўғи 3-4 фоизи, меванинг 11 фоизи экспорт қилинмоқда.

Транспорт вазирлиги маълумотига кўра 2022 йилда (экспорт, импорт, транзит,) халқаро юк ташувлари ҳажми 53,6 млн тоннани ташкил этиб, унда

экспорт юклари 15,4 млн тонна, импорт 26 млн тонна ҳамда транзит 12,2 млн тоннани ташкил этади. Унинг 81,8 % и темир йўл транспорти орқали 18,2 % и эса автомобил транспорти орқали етказилган [16].

Мамлакатимизнинг энг жанубида жойлашган Сурхондарё вилояти ўзининг трансчегаравий (бир вақтнинг ўзида Афғонистон, Тожикистон, Туркменистон давлатлари билан чегарадошлиги) хусусияти билан Ўзбекистоннинг халқаро транспорт-коммуникация ва геоиктисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда катта имкониятлар яратади. Шу сабабдан, вилоятнинг транспорт-транзит ҳамда логистика инфратузилмавий салоҳиятини таҳлил ва тадқиқ қилиш муҳим илмий амалий аҳамият касб этади.

Вилоятнинг қулай географик ўрни замонавий омбор комплекслари ва логистика марказлари тармоғи ривожланишида стратегик муҳим жиҳат бўлиб, юкларни ташиш билан боғлиқ харажатларни камайтириш ҳамда ишлаб чиқариш ва савдо компаниялари логистикасини самарали ташкил этиш имконини бериши мумкин.

Статистика агентлигининг маълумотиغا кўра 2023 йилнинг январь-июнь ойларида республикада барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 3,3 млн тонна сабзавотлар етиштирилган. Етиштирилган сабзавотлар умумий ҳажмининг қарийб учдан бир қисми Сурхондарё вилояти ҳиссасига тўғри келган.

Вилоят статистика бошқармаси маълумотларига кўра 2012 йилда вилоятда қишлоқ хўжалиги ялпи, ҳудудий маҳсулотнинг 53 % ни 2022 йилда эса 48 % бермоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигини ҳудуд иқтисодиётида асосий тармоқ эканлигини кўрсатади.

Юқоридаги маълумотлардан ва вилоятнинг қишлоқ хўжалигига ихтисослашуvidан келиб чиқиб, ҳудудда агрологистика марказларини (АЛМ) ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Агрологистика марказида транспорт инфратузилмаси билан бирга, зарур объектлар жамланади булар: *саралаш, кадоқлаш, қуришиш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш, етказиб бериш, божхона расмийлаштируви, карантин, озиқ-овқат хавфсизлигини сертификатлаш, савдо навильонлари, меҳмонхоналар, тижорат банклари ҳамда хизматлар: мутахассислар маслаҳатлари* бошқалар фаолият кўрсатади.

Вилоятда 2022 йилда 1,1 млн тонна сабзавот, 350 минг тонна картошка 328 минг тонна полиз маҳсулотлари етиштирилган. Шунга асосан вилоятда 4 та йирик агрологистика марказларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ (1-

жадвал). Уларнинг ҳар бирида деярли 500 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади.

1-жадвал

**Агрологистика марказлари бўйича қишлоқ туманларининг  
аграр ишлаб чиқариш салоҳияти, тонна, 2022 й.**

	Дон	Картошка	Сабзавот	Мева	Полиз
<b>Денов агрологистика маркази</b>					
Денов	82818	75548	184387	23533	42565
Сариосиё	23857	20560	74742	29037	2108
Узун	28011	28499	54671	8006	7909
<b>Жами</b>	<b>134686</b>	<b>124607</b>	<b>313800</b>	<b>60576</b>	<b>52582</b>
<b>Шерабод агрологистика маркази</b>					
Шерабод	119665	26362	185782	28357	79931
Ангор	38868	18033	93928	6227	16327
Музработ	109116	8585	62601	8281	36576
Қизириқ	43314	4283	31302	3471	11197
<b>Жами</b>	<b>310963</b>	<b>57263</b>	<b>373613</b>	<b>46336</b>	<b>144031</b>
<b>Қумқўрғон агрологистика маркази</b>					
Қумқўрғон	69583	52014	106247	16696	43437
Шўрчи	53963	52170	73641	8291	14380
Олтинсой	26543	19465	57442	13481	6879
Бойсун	5676	6147	20787	13688	3074
<b>Жами</b>	<b>155765</b>	<b>129796</b>	<b>258117</b>	<b>52156</b>	<b>67770</b>
<b>Термиз агрологистика маркази</b>					
Жарқўрғон	68984	22541	83487	10551	28333
Бандихон	29984	6557	23240	2578	15755
Термиз	23324	9184	88113	7369	20490
Термиз ш.	140	528	3463	772	21
<b>Жами</b>	<b>122432</b>	<b>38810</b>	<b>198303</b>	<b>21270</b>	<b>64599</b>

Жадвал, муаллиф томонидан тузилган.

Агрологистика марказлари (АЛМ) ташкил этишда, ҳудудий жиҳатдан ўзаро яқин, транспорт жиҳатидан боғланганлиги, ҳамда савдо-транспорт оқими, шу билан бирга ҳудуднинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, инобатга олиган.



**Вилоят ҳудудида агрологистика марказларининг (АЛМ) шаклланиши  
ва ривожланиши истиқболлари**

АЛМ лар	Мансуб қишлоқ туманлари	Темир йўл ва Автомагистрал яқинлиги	Қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви		Мавсум
			Дехқончилик	Боғдорчилик	
<b>Қумқўрғон АЛМ (Навбахор )</b>	Қумқўрғон Олтинсой, Шўрчи Бойсун	Қумқўрғон темир йўл станциясига Автомагистрал М41	Полиз Сабзавот Картошка,	Лимон Хурмо Ёнғоқ	Баҳор ва ёз ойларида
<b>Денов (Қумқишлоқ АЛМ)</b>	Денов, Сариосиё, Узун	Денов темир йўл станциясига Автомагистрал М41	Сабзавот Картошка ерЁнғоқ	Хурмо Ёнғоқ Олма	Йил давомида
<b>Олтинсой АЛМ (Шаҳакрақиш )</b>	Олтинсой, Шўрчи, Денов	4р105 Автомагистрал	Полиз Сабзавот	Узум Хурмо Олма	Баҳор ва ёз ойларида
<b>Шерабод АЛМ (Лойлиқ)</b>	Шерабод, Ангор, Қизириқ, Музработ	Автомагистрал М39	Полиз Сабзавот	Анор Олма	Ёз куз ойларида
<b>Термиз (АЛМ)</b>	Жарқўрғон Термиз Бандихон Термиз ш	темир йўл вокзали Автомагистрал М41	Полиз Сабзавот Кўкат		Баҳор, Ёз ва Куз ойларида


Изоҳ: логистика марказлари оралиғи 30-60 км масофада.

Жадвал, муллик томонидан ишлаб чиқилган.

Юқоридаги Агрологистика марказлари турлича салоҳиятга эга. Улар орасида Қумқўрғон агрологистика маркази алоҳида ўрин тутди. Қумқўрғон АЛМ М41 автомагистрала яқинида Қумқўрғон темир йўл вокзалига 1 км радиусда ташкил этилади. Ушбу агрологистика марказига Олтинсой, Шўрчи туманлари яқин масофада жойлашган.

Ушбу АЛМга полиз, сабзавот, картошка каби деҳқончилик лимон, хурмо, ёнғоқ сингари боғдорчилик маҳсулотларини ташиб келтириш мумкин. Бойси Қумқўрғон АЛМ қамраб олувчи туманлар 2022 йилда юқоридаги маҳсулотлар ҳажми 507 минг тоннани ташкил этади.






1-расм. Қумқўрғон АЛМ нинг жойлашув космосурати.

3-жадвал

Агрологистика марказларининг аграр ишлаб чиқариш салоҳияти,  
тонна, 2022 й.

АЛМ лар	Картошка	Сабзаво т	Мева	Полиз	Жами
Шерабод АЛМ	57263	373613	46336	144031	<b>621031</b>
Денов АЛМ	124607	313800	60576	52582	<b>551565</b>
Қумқўрғон АЛМ	129796	258117	52156	67770	<b>507839</b>
Термиз АЛМ	38810	198303	21270	64599	<b>322982</b>
<b>Жами</b>	<b>350476</b>	<b>1143833</b>	<b>18033</b> <b>8</b>	<b>328982</b>	<b>2003417</b>

Шунингдек, вилоят автомагистралларида, айниқса шаҳарларо туташ худудларда тирбандлик ва йўл инфратузилмасини ишдан чиқишини олдини олиш ҳамда транзит юклар етказилишини тезлаштириш мақсадида йўлларда транспорт тарозилар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Мисол тариқасида М41 автойўлининг Жарқўрғон шаҳри яқинига барпо этиш орқали Жарқўрғон, Қумқўрғон, Шўрчи туман марказларида йирик автотранспортларнинг айланма ҳаракати йўлга қўйилади (2-карта схема).



2-расм. Сурхондарё вилояти транспорт логистика карта схемаси.

Вилоятнинг 3 та республика (Тожикистон, Афғонистон, Туркменистон) билан чегарадошлиги ҳамда ушбу давлатларнинг транспорт инфратузилмалари (темир йўл ва автомобил йўллари) орқали боғланганлик ҳолатини республиканинг бошқа вилоятларида кузатиш мумкин. Бу жиҳат ҳудуднинг транспорт географик ўрнини белгилайди ва шу билан бирга транзит салоҳиятини ошишига хизмат қилади.

Мамлакатда темир йўлда асосий транзит юк ўтиш пунктлари Бекабод (Тошкент) Қудуқли (Сурхондарё), Амузанг (Сурхондарё) кабилар ҳисобланади. Бундан ташқари вилоят орқали Эрондан Тожикистонга қурилиш материаллари жумладан катта миқдорда темир маҳсулотлари кимё маҳсулотлари экспорт қилинади.

Россия Федерацияси ҳамда Қозоғистон Республикасидан Афғонистонга катта миқдорда озиқ овқат маҳсулотлари ёғ мой (Россия Федерацияси), ун ва ун маҳсулотлари (Қозоғистондан республикаси) келтирилади. Шунингдек ушбу давлатлардан қурилиш материаллари, Туркменистондан эса ёқилғи маҳсулотлари олиб келинади. Ушбу ўринда вилоятнинг транзит хизматидан фойдаланилади.

Бундан ташқари сўнгги йилларда Ўзбекистон-Покистон давлатлари орасида савдо алоқаларининг ортиши ҳам вилоят транспорт тизимига ижобий таъсир этади. Бу икки давлат савдо алоқаларида Ўзбекистон учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари алоҳида аҳамият касб этади.

Покистон Ўзбекистонга енг кўп картошка экспорт қилаётган давлат ҳисобланиб, импорт қилинган картошканинг қарийб 70% и биргина Покистонга тўғри келганини алоҳида такидлаб ўтиш лозим. Бундан ташқари, Покистондан қиймати 8.3 млн АҚШ долларига тенг бўлган 35.9 минг тонна мандарин импорт қилинган бўлиб, умумий мандарин импортимизнинг 84.3%и айнан шу давлатга тўғри келади [3].

Сўнги йиллардаги икки мамлакат орасидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосининг ортиши ва вилоятнинг транспорт боғловчилик хусусиятини ҳисобга олиб ҳолда ҳудудда агрологистика марказлари билан бирга Покистон билан савдо алоқаларини ривожлантириш ҳамда етказиш вақтини қисқартиш каби ларни инобатга олиб Ўзбекистон (Термиз)-Покистон Агроэкспресини йўлга қўйиш долзарб саналади.

Шунингдек Афғонистон шимолидаги Мозори-Шарифда темир йўллар орқали Тожикистон республикаси транспорт савдо алоқари ривожланмоқда.

Шу билан бирга мамлакатимизнинг Тожикистон Республикаси билан товар ва хизматлар экспорти сўнги тўрт йилда 2 баравар ўсган. Бундан ташқари Тожикистон Республикаси темир йўл ташувлари орқали бажариладиган барча халқаро алоқаларда мамлакатимиз темир йўлларидадан фойдаланади. Бу эса Ўзбекистоннинг минтақавий мавқеини ошишига имкон яратади [14].

Хулоса қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин:

Биринчидан, мамлакат автотранспорт йўлакларининг транзит жозибадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш. Жумлада вилоятнинг Термиз ва Сариосиё туманларини боғловчи М41 йўлга параллел равишда “яшил йўлак” (транзит йўлак) барпо етиш мақсадга мувофиқ. Бунда Какайди (Жарқўргон) йўл туташмасидан Узун туманининг Чақар аҳоли пунктигача бўлган мавжуд (4р110)130 км ли қисмини фақат транзит юклар ўтиши учун реконструкция қилиш кўзда тутилган. Бу орқали вилоятнинг йирик Сариосиё, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон, Жарқўрғон шаҳарларидан ўтувчи транспорт оқимини мувозанатлаштиришга автотранспорт йўлакларининг транзит жозибадорлиги ва рақобатбардошлиги ортишига ёрдам беради ва шу билан бирга вилоятнинг асосий шаҳарларида тирбандлик олди олинади, транзит юклар етказиш вақти қисқаради(1-расм).

Иккинчидан, хорижий юк автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон ҳудудига кириши ва транзит ўтиши билан боғлиқ комплекс масалаларни ҳал етиш учун Бойсун, Термиз, Сариосиё божхона постларига бевосита яқин жойларда автотранспортларни вақтинча жойлаштириш учун еркин автотураргоҳлар (ТИР-парклар) ташкил етиш.

Шунингдек Бойсун, Шерабод, Термиз, Қумқўрғон, Олтинсой, Сариосиё туманлари йўл бўйларида автотураргоҳлар (ТИР-парклар), мотеллар, cross dock<sup>1</sup>лар барпо этиш, чегара ҳудудларида транспорт савдо зоналарини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, энг асосий вазифалардан бири агрологистика марказларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини исроф бўлишини олдини олиш, вилоятнинг қишлоқ хўжалик имкониятларидан оқилона фойдаланиш, мева сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотларини йил давомида етказиб беришга логистик жиҳатдан имкон яратиш долзарбдир.

Бунда, юқоридаги Денов, Қумқўрғон, Шерабод, Жарқўрғон, Олтинсой агрологистика марказларини автомагистрал ва темир йўл станциялари яқинида ташкил этиш, ҳудуд иқтисодий ва ижтимоий ҳолатини яхшилашга ва қишлоқ хўжалигини янада ихтисослашувига транспорт жойлаштириш орқали эришилади.

Шунингдек, истиқболда логистика хизматларини кенг йўлга қўйиш савдони ва тижорат фаолиятини тартибга солишда транспорт таннархини ҳисобга олиш ҳамда вилоят транспорт тизимини мавжуд салоҳиятини ошириб минтақадаги муҳим стратегик чорраҳага айлантириш соҳадаги долзарб вазифа ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Jean-Paul Rodrigue, *The Geography of Transport Systems*. Fifth Edition. Vanderbilt Avenue, New York. 2020y. 365-370 p
2. Joe Grengs. Job accessibility and the modal mismatch in Detroit. *Journal of Transport Geography* 18 (2010) 42–54 p.
3. Toxirov A.T., Sodiqova F.J., Nasriddinov D.Z. O‘zbekiston bilan Pokiston o‘rtasidagi iqtisodiy aloqalar. Yangilanayotgan O‘zbekiston taraqqiyotida iqtisodiy fanlarni o‘qitishning dolzarb masalalari respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. 16-iyun, 2023- yil. Toshkent.
4. Джуманов А.А., Соатов О.И., Имомов.Ж. Ўзбекистон Республикасида агрологистикани ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2016 йил.
5. Бугроменко В.Н. Транспорт в территориальных системах. Москва. 1987 г. 112 с.
6. Бауэрсокс Д, Клосс Дейвид Дж. Логистика. Интегрированная цепь поставок. — М.:Бизнес, 2005

---

<sup>1</sup> cross dock- юкни музлатгичга сақламадан тўғридан тўғри омбор орқали жўнатиш. Бу инфратузилма етказиб беришни тезлаштиради.

7. Исаев А. А. Фарғона водийси транспорти ривожланишининг географик жиҳатлари. 11.00.02 география фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т, 2009.

8. Майкл Р. Линдерс, Харольд Е. Фирон. Управление снабжением и запасами. Логистика/ Пер. с англ. - СПб.: ООО «Виктория плюс», 2002. — 768 с.

9. Л.Б. Вардомский. Транзитный потенциал Казахстана в контексте Евразийской интеграции., доклад. Москва 2009 г.

10. Камалов А.С. Дадабоева З. Камалова Е. Проблемы Конкурентоспособности транзитных Железнодорожных Коридоров Республики Узбекистан//Транспорт Шёлкового Пути №1, 2021.

11. Қўзиёв А. Ў. Ер усти транспорт тизимининг оптимал ривожлантириш усуллари (Сурхондарё вилоятида юк ташиш ишлари мисолида).05.22.10 техника фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган. диссертация. Т, 2010.

12. Kalonov, B. N., & Latipov, N. F. (2021). Characteristics Of Geographical Location Of The Population Of Navoi Region. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 25(2), 477-479.

13. Karshibaevna, K. N., Kahramonovna, Z. D., & Normurod Faxriddino'g'li, L. (2022). Some problems with creating a medical-geographical atlas map of Uzbekistan. *International journal of early childhood special education*, 58365840, 13.

14. Latipov, N. F. (2021). Factors influencing the territorial distribution of the population. *Экономика и социум*, (9 (88)), 105-108.

15. Komilova, N., & Latipov, N. (2022). Classification of settlements on the basis of the ecological situation in the Navoi region and the factors affecting the health of the population. *Visnyk of VN Karazin Kharkiv National University, series" Geology. Geography. Ecology"*, (56), 209-213.

16. Latipov, N. (2022). Shaharlar va ularning ekologik muhit bilan bog'liqligi. *Scienceweb academic papers collection*.

17. Latipov, N. (2022). УРБОЭКОЛОГИЯ-ГЕОГРАФИЯ ВА ЭКОЛОГИЯНИНГ ФАНЛАРАРО СИНТЕЗИ. *Scienceweb academic papers collection*.

18. Komilova, N. K. (2023). The Importance of Anthropogenic Influence in Assessing the Ecological Condition of Cities in Uzbekistan (in the Case of Navoi). *Baghdad Science Journal*.

19. С.А. Тархов. Пространственные закономерности эволюции транспортных сетей. тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 25.00.24, доктор географических наук . Москва ( 2002).

20. Никольский И. В. География транспорта СССР. - М., Изд-во Моск. ун-та, 1978. - 286 с.

21. Омонтурдиев А.М. Перспективы формирования и развития южного транспортного коридора и улучшение геоэкономического и геополитического потенциала Узбекистана // "Экономика и социум" №9 100) 2022 [www.iupr.ru](http://www.iupr.ru).

22. Зоҳидов А. А. Марказий Осиё транспорт тизимини самарали бошқариш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодий фанлари доктори даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2018.

23. Транспорт вазирлигининг 2022-йил якунлари бўйича амалга оширган ишлар натижалари тўғрисида маълумот. <https://mintrans.uz/2022yilhisobot> (мурожаат вақти 2.04.2023 й)

24. Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисидаги” ЎРҚ-706-сон қонуни, 09.08.2021 йил. <https://lex.uz/docs/5563039>

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сон Фармони, 28.01.2022 йил. <https://lex.uz/docs/5841063>

26. <https://lex.uz/ru/pdfs/6077480> (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022- йил 21 июндаги Termez Cargo Center халқаро миқёсда гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро хабга айлантириш тўғрисидаги [ПҚ-288-сон] қарори.

27. <https://www.forbes.com/sites/melikkaylan/2023/09/19/president-biden-gets-us-back-into-global-geo-strategy-meets--central-asian-leaders/?sh=20565abc13b9> (мурожаат вақти 21.09.2023)

28. <https://www.akorda.kz/ru/kasym-zhomart-tokaev-i-vladimir-putin-prinyali-uchastie-v-plenarnom-zasedanii-hih-foruma-mezhregionalnogo-sotrudnichestva-kazahstana-i-rossii-9103651> (мурожаат санаси 09.11.2023 й)

29. <https://xs.uz/uzkr/post/mamlakatimizda-yetishtirilayotgan-sabzavot-mahsulotlarining-bor-yogi-3-4-foizi-mevaning-11-foizi-eksport-qilinmoqdanim-uchun> (мурожаат вақти 16.10.2023)